

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2026 йил март ойининг 17 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ш.Назиров,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров ва Б.Турдиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Қобуловнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Нурова, судланган А.Ш ва унинг ҳимоячиси С.Сайданов, фуқаровий даъвогар М.Камолдиновларнинг иштирокида, А.Шга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2025 йил 26 ноябрдаги ҳукмига кўра:

1976 йил 25 ноябрь куни Избоскан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Избоскан туманидаги “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги раҳбари, [REDACTED] да яшайди, иш бўйича гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган А.Шга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил, 229¹-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил, ЖКнинг 59, 62-моддалари тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 1 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

А.Ш томонидан жиноят натижасида етказилган зарар ўрнини қоплаш учун Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 280.850.000 сўмни “Агробанк” АТБ Избоскан туман филиалига йўналтириш белгиланган.



А.Ш томонидан Избоскан туманидаги “Мадад барака” массивидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 44-контурида жойлашган “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги балансида бўлган суғориладиган ер майдонидаги ноқонуний қурилишлар бузилгани инобатга олинган.

Избоскан туманидаги “Мадад барака” массивидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 44-контуридаги унумдорлиги 72 балл бонитетни ташкил қилувчи 20 кв.метр суғориладиган ер майдони Ер кодексининг 91-моддасига мувофиқ “Азамжон Шердаев” фермер хўжалигига ёки давлат захирасига қайтариб олиш мажбурияти Избоскан туман ҳокимлиги зиммасига юклатилган.

А.Шдан жиноят натижасида етказилган моддий зарар 2.544.280 сўмни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Андижон вилоят бошқармаси фойдасига ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган А.Ш Избоскан туманидаги “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиб, туман ҳокимининг 2019 йил 16 июлдаги 2194-қ-сонли қарори билан “Мадад барака” массивидаги 45,40 гектар (42,80 га экин ерлари, 0,30 га тутзорлар, 2,30 га сув ости ерлари;) пахта-ғаллачилик йўналишида ажратилганлигидан ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 95-сонли Қарори билан пахта хом-ашёси етиштиришда томчилатиб ва дискрет суғориш технологияларини жорий этганликлари учун субсидия маблағлари берилишидан ғаразли ва бошқа паст ниятларда фойдаланиб, “Агробанк” АТБ Избоскан филиалига 2024 йил 27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли Қарори асосида ташкил қилинган “suvkredit.uz” тизими орқали 20 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун имтиёзли шартлар асосида 500,0 млн сўм миқдорда кредит олиш учун ариза билан мурожаат қилиб, 2024 йил 27 февралдаги 4-сонли кредит шартномасига асосан “AGRO TEXNO DRIP” МЧЖ ҳисоб-рақамига банк ресурс маблағларидан 260,0 млн сўм ҳамда 240,0 млн сўм субсидия маблағларини ўтказилишига эришиб, эвазига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиб, юқоридаги 2021 йил 23 январдаги Қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 37-бандидаги сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий қилишда давлат бюджетидан субсидия олган талабгорлар сувни тежайдиган суғориш тизимидан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари кўрсатилган



талабларига риоя қилмасдан, мансаб мавқеидан фойдаланиб, субсидия ва кредит маблағлари эвазига ўрнатилган сув тежовчи технологияларни бир қисмини 2024 йилнинг октябрь ойида сотиб юбориб, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб, 303.244.290 сўм маблағларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

бундан ташқари, судланган А.Ш 2024 йилнинг баҳор ойларида Избоскан туманидаги “Ишонч замин” массивида жойлашган “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдони 44-контурдаги 72 балл банитетли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва суғориладиган ер майдонини ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ўзбошимчалик билан эгаллаб, ер майдонининг 20 кв. метр қисмига ноқонуний равишда қурилиш қилиб олиб, давлат манфаатларига 2.544.280 сўм зарар етказганликда айбли деб топилган.

Судланган А.Ш ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятда, томчилатиб суғориш технологиялари фермер хўжалигининг 20 гектар ер майдонига эмас, балки 17 гектар ер майдонига жорий қилинганини, шунингдек мазкур томчилатиб суғориш технологиялари дала майдонига қайта ўрнатилганини кўрсатиб, у томонидан тергов органининг банкдаги депозит ҳисоб рақамига топширилган пулларни унга қайтаришни сўраган.

Фуқаровий даъвогар М.Камолдинов ўз эътирозномасида, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Турдиевнинг маърузасини, ҳимоячи С.Сайданов ва судланган А.Шнинг шикоятни қаноатлантириш, фуқаровий даъвогар М.Камолдиновнинг ишни қонуний ҳал қилиш ҳамда прокурор Ш.Нурованинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган А.Ш апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Избоскан туманидаги “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келиши, “Агробанк” АТБ Избоскан филиалидан 20 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун имтиёзли шартлар асосида 500,0 млн сўм миқдорда кредит олиш учун ариза билан мурожаат қилиб, 2024 йил 27 февралдаги 4-сонли кредит шартномасига асосан “AGRO TEXNO DRIP” МЧЖ ҳисоб-рақамига банк ресурс маблағларидан 260,0 млн сўм ҳамда 240,0 млн сўм субсидия маблағларини ўтказиб, эвазига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилгани, ҳақиқатдан ҳам субсидия ва кредит маблағлари эвазига ўрнатилган сув тежовчи технологияларни бир қисмини 2024 йилнинг октябрь ойида сотиб юборгани, томчилатиб суғориш технологиялари 20 гектар ер майдонга эмас, балки 17 гектар ер майдонга жорий қилингани, чунки пахта майдони ўша вақтда шунча миқдорни ташкил этгани, “AGRO TEXNO DRIP” МЧЖ раҳбари К.Усмановнинг ҳаракатларига дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди томонидан баҳо берилмагани, ҳозирда мазкур томчилатиб суғориш технологиялари дала майдонига қайта



ўрнатилгани, шу сабабли у томонидан тергов органининг банкдаги депозит ҳисоб рақамига топширилган пулларни унга қайтаришни сўраши, бундан ташқари 2024 йилнинг баҳор ойларида Избоскан туманидаги “Ишонч замин” массивида жойлашган “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги балансида бўлган ер майдони 44-контурдаги 72 балл банитетли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва суғориладиган ер майдонининг 20 кв. метр қисмига ноқонуний равишда қурилиш қилиб олгани, бироқ у ўз вақтида бузиб ташлангани ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Н.Камолдинов видеоконференцалоқа тизими орқали апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, АТБ “Агробанк” Избоскан туман филиалида ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келиши, Избоскан туманидаги “Азамжон Шердаев” фермер хўжалиги раҳбари А.Ш АТБ “Агробанк” Избоскан филиали билан тузилган кредит шартномасига асосан томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш учун фермер хўжалиги номига 500 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ҳамда сарфланган ҳаражатларнинг бир қисмини қоплаш ҳақида субсидия ажратишга кўмаклашувчи Избоскан тумани ишчи гуруҳининг хулосасига кўра, 240 млн. сўм субсидия маблағларини ажратилишига эришиб, кредит маблағлари ҳисобига пудратчи “Agro Techno Drip” МЧЖ билан 2024 йил 27 февраль куни тузилган 1/19/1-сонли пудрат шартномасига асосан фермер хўжалигининг 20 гектар пахта ер майдонида ўрнатиб берилган томчилатиб суғориш технологияларини сотиб юбориб, банк манфаатларига зарар етказгани, биринчи инстанция суди ва апелляция инстанцияси суди муҳокамасида тақдим этилган фермер хўжалигининг 20 гектар пахта ер майдонида ўрнатиб берилган томчилатиб суғориш технологиялари борлиги ҳақидаги 2025 йил 26 ноябрь куни тузилган далолатнома бўйича банк ходими А.Йўлдашев билан суҳбатлашганида ундаги имзолар унга тегишли эмаслигини маълум қилгани, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси борлигини, судланувчи томонидан прокуратуранинг банкдаги депозит ҳисоб рақамига топширилган пул маблағларини банкка йўналтириб беришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ў.Абдурашидов ҳам апелляция инстанцияси судида, фуқаровий даъвогар Н.Камолдиновнинг кўрсатувида ўхшаш кўрсатув берди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган А.Шнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланганни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганлиги, банк ва кадастр маълумотномалари, ҳужжатларни ёзма далил, нарса ва предметларни ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда жиноят ишига қўшиш тўғрисида қарор, тушинтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган



бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқлангани ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 229¹-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди А.Шга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, у айбли деб топилган ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари, 229¹-моддаси 2-қисми билан унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни бартараф қилганини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59-моддасига асосан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш, ЖКнинг 62-моддасига асосан уни қамоқда сақланган кунларини тайинланган жазодан чегириш ҳақида адолатли хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди, судланган А.Шнинг ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятини ва кўрсатувидаги томчилатиб суғориш технологиялари 20 гектар ер майдонига эмас, балки 17 гектар ер майдонига жорий қилингани, “AGRO TEXNO DRIP” МЧЖ раҳбари К.Усмановнинг ҳаракатларига дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди томонидан баҳо берилмагани, шунингдек мазкур томчилатиб суғориш технологиялари дала майдонига қайта ўрнатилгани, у томонидан тергов органининг банкдаги депозит ҳисоб рақамига топширилган пулларни унга қайтариш ҳақидаги вазлари биринчи инстанция суди томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, судда сўралган фуқаровий даъвогар Н.Камолдинов, гувоҳ Ш.Иномиддинов, Н.Махмудов, К.Усмонов, А.Бурхонов, А.Юлдашевларнинг кўрсатувлари, банк, кадастр маълумотномалари ва жиноят иши ҳужжатларида мавжуд судда текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан рад этилиб, уларни тўла ишончга сазовор эмас ҳамда у томонидан тергов органининг банкдаги депозит ҳисобига етказилган зарарни қоплаш учун топширилган пулларни қўлга киритиш мақсадида келтирилган деб ҳисоблаб, уларга танқидий баҳо бериб, биринчи инстанция суди ва апелляция инстанцияси суди муҳокамасида тақдим этилган фермер хўжалигининг 20 гектар пахта ер майдонига ўрнатиб берилган томчилатиб суғориш технологиялари борлиги ҳақидаги 2025 йил 26 ноябрь куни тузилган далолатномани мақбул далил эмас деб ҳисоблаб, рад қилиб, ушбу вазлар билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик



қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукмни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантirmасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шунга кўра, судлов ҳайъати суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун жиноят ишида асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.Шга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2025 йил 26 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

Ш.Назиров

Ҳайъат судьялари

Ф.Собиров

Б.Турдиев

